# O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI XONOBOD SHAHAR HOKIMINING QARORI

Xonobod shahar, Umarshayx Mirzo ko‘chasi 2-uy, Telefon 734-44-41 Email: khanabad@umail.uz

2021 - yil 24 - dekabr 77-1-30-Q/21 Xonobod shahar hokimligi

**Шаҳардаги транспорт воситаларини 2022 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларинимажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 125-сонли қарори асосидаҳамда “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 49-сонли қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-,25-моддаларига асосан

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳардаги барча юридик ва жисмоний шахсларга тегишли транспорт воситалари 2022 йилда мажбурий техник кўрикдан ўтказилсин.

2. Техник кўрикни сифатли ва тартибли ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ ва транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Шаҳар Мудофаа ишлари бўлими (И.Мўминов)га 2022 йил ойлик маоши сақланган ҳолда бир нафар малакали ходим ажратиш ва шаҳар Ички

ишлар бўлими ихтиёрига юбориш вазифаси юклатилсин.

4. Шаҳар Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати гуруҳи (А.Хожиев)га:

“Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 5-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўригини:

а) Биринчи марта, 1 март кунидан 30 июнь кунига қадар:

б) Иккинчи марта, 1 сентябрь кунидан 31 октябрь кунига қадар:

в) Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўригини 1 март кунидан 30 июнь кунига қадар:

г) Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январь кунидан 31 августгача ўтказилишини таъминлаш топширилсин.

5. Шаҳар Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати гуруҳи (А.Хожиев)га техник кўрикдан ўтаётган ҳар бир транспорт воситаларининг ёритгич чироқлари ойналарига автомашина Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами белгилари такрор ёзилишини (грапировка йўли билан) таъминлаш юклатилсин.

6. Хонобод шаҳар фуқароларининг шахсий фойдаланишдаги автомототранспорт воситаларини мавсумий йиллик техник кўрикдан ўтказилиши шаҳар Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи биноси олдида ташкил қилинсин.

7. Шаҳар “Хонобод садоси” рўзномаси таҳририяти (Х.Мўминова)га мазкур қарор газета сахифасида эълон қилинсин ҳамда шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати (Б.Жабаралиев)га ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

8. Ушбу қарор расман эълон қилингандан сўнг кучга киради.

9. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан шаҳар ҳокимининг 2021 йил 11 февралдаги 32-қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг

ўринбосари Ф.Эргашев зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **М.Тажибаев**

Хонобод шаҳар ҳокимининг
2021 йил 24 декабрдаги
77-1-30-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Техник кўрик сифатли ва тартибли ўтказиш бўйича комиссия**

**ТАРКИБИ:**

1. А.Хожиев - Шаҳар Ички ишлар бўлими йўл харакат хавфсизлиги гуруҳи катта инспектори, комиссия раиси

2. М.Бекмирзаев - Шаҳар ҳокимлиги бош мутахассиси

3. С.Қорабоев - “Ватанпарвар” ташкилоти бошлиғи

4. И.Мўминов - Шаҳар Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи

5. Ў.Машрабов - “Ўзавтотранс” агентлиги Андижон худудий бўлими бошлиғи

Хонобод шаҳар ҳокимининг
2021 йил 24 декабрдаги
77-1-30-Q/21-сон қарорига
2-илова

**«РОЗИМАН»**
**Хонобод шаҳар ҳокими**
**_____ М.Тажибаев**
**«___»_____20__ йил**

**«ТАСДИКЛАЙМАН»**
**Хонобод шаҳар ИИБ бошлиғи**
**подполковник_____М.Б.Болтаев**
**«___»_____20__ йил**

**«КЕЛИШИЛДИ»**
**Хонобод шаҳар Мудофаа ишлари**
**бўлими бошлиғи майор**
**_____ И.Мўминов**
**«____»_____20__ йил**

Хонобод шаҳар худудида ММТП, автокорхона, ташкилот, корхона, муассаса, автоуюшмалар ва хусусий фирмалар, қўшма корхоналар ҳисобидаги ҳамда шахсий автомототранспорт Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 9 мартдаги “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги 125-сонли қарорига асосан 2022 йил мажбурий, мавсумий техник кўрикдан ўтказиш

**Ж А Д В А Л И**

| № | Хўжалик ва ташкилотлар номи | Мавжуд т-р воситалари сони | Кўрикдан ўтиш жойи | Кўрикдан ўтиш вакти | Ўтказиш вакти |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Шахар хокимлиги ва Ободонлаштириш бошқармаси | 8 | Автосарой | 01.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 2 | Хонобод ММТП | 1 | Автосарой | 02.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 3 | Андижон ГЭС | 10 | Автосарой | 03.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 4 | “УзКоджи” Қ.К | 22 | Автосарой | 04.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 5 | МК“Ватанпарвар” | 17 | Автосарой | 09.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 6 | Хонобод СЭС | 4 | Автосарой | 14.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 7 | 1-сонли КМБ | 7 | Автосарой | 15.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 8 | Тошохур ўрмон хўжалиги | 4 | Автосарой | 16.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 9 | Хонободгазтаъминоти | 4 | Автосарой | 17.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 10 | “Гидроспецмонтаж” МЧЖ | 12 | Автосарой | 18.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 11 | Саноат техникуми | 6 | Автосарой | 23.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 12 | СҚБ ва Халқ банк | 7 | Автосарой | 25.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 13 | “Андижонкабель” ҚК | 65 | Автосарой | 29.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 14 | Андижон сув омборидан фойдаланиш бошқармаси | 8 | Автосарой | 30.03.2022 й | 11:00дан 14:00гача |
| 15 | Кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари | 110 | ЙҲХГ биноси олдида | Ҳар шанба ва якшанба | 11:00дан 14:00гача |
| 16 | Жисмоний шахсларга тегишли бўлган автомототранспортлар | 2789 | ЙҲХГ биноси олдида | Ҳар куни | 15:00дан 17:00га қадар |

**Жадвал туздим:**

**Хонобод шаҳар ИИБ ЙҲХГ**

**катта инспектори лейтенант А.Хожиев**